

Машраб (тахаллуси; асл исм-шарифи Боборахим Мулла Вали ўгли) (1640, Наманган — 1711, Балх) — шоир ва мутафаккир. Машраб номи 18—19-асрларда тузилган тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (масалан, Баде Самаркандийнинг «Музокир ул-ашоб» ва б.) зикр этилади. Аммо уларда шоир хаёти ва ижодий фаолияти хақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда кам. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб, девон ёки бирор мажмуа тuzганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Хазрати шох Машраб» номлари остида халқ орасида қўлёзма ва тошбосма шаклида тарқалган қиссалардагина (уларнинг қим томонидан ва қачон тузилганлиги номаълум) шоирнинг хаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Қиссалар кейинчалик ўзгартириш ва тuzатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифасимон лавҳалар билан тўлдирила борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб ва унинг ижтимоий ва ижодий фаолияти халқ тасаввуридаги тўқима Машраб ҳамда у хақидаги саргузашт — ривоятлар билан қоришиб кетган. Шундай бўлсада, Машраб хақидаги қиссалар шоир хаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг қўпгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади.

Машраб отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказади. Машраб дин асослари ва фалсафадан яхши хабардор бўлган Сўфи Эшон Мулла Бозор Охунд (хўжа Убайдулло) қўлида диний таълим олади, сўфий тариқатлар бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади. Тахминан 1665 йилларда Мулла Бозор Охунд тавсиясига кўра, ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби кашкарлик Хидоятullo Офок Хожа эшон хузурига боради. Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг қўпчилик қисми Офок Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган. Офок Хожа шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «пиру раҳбар» деб тан олувчи байтмисралар мужассам бўлган газал ва мухаммаслар ҳам («Қошки», «Ўзум» радифли газаллар, «Қолмади» радифли мухаммас) шу муридлик йиллари махсулидир.

Машраб тахминан 1672—73 йилларда Офок Хожа даргоҳини тарқ этади. Қиссаларда қайд этилишича, бунга Машрабнинг пири даргоҳидаги қанизақларнинг бирига қўнғил қўйгани, севиб-севилгани сабаб бўлган. Аммо Машрабнинг огир жисмоний жазоланиб қувилиши заминида пир билан мурид ўртасида жиддий гоъвий зиддиятлар бўлган дейилса, хақиқатга мувофиқ бўлади.

Машраб пири даргоҳидан кетгач, деярли 40 йиллик умрини доимий сафарда, турли ўлкаларда дарбадарликда ўтказади. Қўнимсиз хаётга юзланган шоир, асосан, ижодий иш билан шугулланади. Оддий халқнинг кашшок хаёти, зулму ситам остидаги оху нолаши шоир қалбини ларзага қолади («Дили тиги ситамдин пора бўлгон халқни қўрдум»...). Машраб асарларининг аксарияти чуқур ижтимоий йўналишга эга бўлиб, ўша давр хаёти, жамиятдаги воқеа-ходисалар билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у баъзи руҳонийларнинг қирдикорлари ва хийлагарликларини фoш этади, текинхўр мулкдорлар ва жоҳил амалдорларнинг зўравонлик фаолиятларини танқид қилади. Машрабнинг бу

тур асарлари кўлдан кўлга, огиздан огизга ўтиб, тез таркалган. Худди шунинг учун ҳам Машрабнинг бирор кишлок ёки шаҳарга келиши изсиз колмаган, одил камбагал халк уни кувонч-хурсандчилик ва кизикиш билан қарши олган. Шоир кўнимсиз хаётининг сўнги манзили Балхда ҳам хоким табака ва мутаассиб шайх-муллалар Машрабни жисман йўқотиш пайига тушадилар. Шу тесқаричи гурухларнинг расмий фатвоси ва Махмудбий Катагоннинг хукми билан дорга осилади.

Машраб колдирган бадиий мерос хажм ва жанрлар жихатидан ханузгача аниқланган эмас. Аммо бизга хозирча маълум асарларининг ўзи ҳам Машрабнинг фавқуллодда ноёб истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. Машраб ижоди шеърининг янада кенгрок ижтимоий мазмун ва жанговар рух касб этишида, адабиётдаги халқчиллик ва дунёвийликнинг чуқурлашувида, лирик турларнинг такомиллашуви ҳамда бадиий санъатнинг камолотга эришувида янги бир юкори босқични ташкил этади.

Машрабнинг мохиятан инсон кадри-шарафи ва маънавий камолотини улуглашга, эзгулик ва гўзалликни мадх этишга бағишланган шеърининг меросида газал, мустазод, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, маснавий, рубоий, таърих каби жанр турларида битилган етук намуналарни учратамиз. Аммо Машраб аввало мохир газалнавис ҳамда кўплаб шўх ва жарангдор мустазодлар, ўйноки ва жозибадор мурабба ҳамда халқ гаму хасратига ҳамдардлик хисси билан ўйрилган мухаммаслар ижодкори сифатида кенг довруг чиқарган. Машрабнинг жуда кўп газаллари халқ кўшиқларидек содда ва жарангдор, жўшқин ва таъсирчандир.

М. ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан бири. Шоир мустазодлари ҳам, худди газаллари каби, шўх ва жарангдор, нафис ва завқбахшдир. Мумтоз шеърининг мурабба турининг узил-кесил мустахкамланиши ва такомиллиги Машраб ижодининг ўрни катта.

Машрабнинг романтик кўтаринкилик рухи уфуриб турган асарларини адабиёт тарихида мурабба турида яратилган энг етук намуналар жумласига киритиш мумкин.

Машрабнинг газал, мустазод ва мураббаларида ишқ-мухаббат, вафосадокат мавзуи етакчи ўринда турса, мухаммас ва мусаддасларида чуқур ижтимоийлик устунлик килади, тақдирнинг кемтиклиги ва хаётнинг носозликларидан, давр (чарх, фалак) ва адолатсиз мухитнинг шахс бошига тинимсиз келтираётган жабру жафосидан шикоят, таъкибтаъйикидан норозилик дардли миэраларда, аммо катъий ва кескин ифодаланади. Машраб колдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий гоёлар ҳам, ўша замонда кенг таркалган каландарлик тарикатининг айрим охангтаъкидлари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Шоир шеърларида Аллохнинг мавжудлиги, бору бирлиги, барча жонли ва жонсиз мавжудотни яратганлиги узил-кесил ва катий тан олинади, Худонинг куч-кудрати, тақдирнинг ўзгармаслиги ва Махшар куни хақидаги таълимот тўла-тўқис қабул килинади.

Машраб форс тилида ҳам бир неча шеърининг турларда етук намуналарни яратган.

Машраб ижоди кейинги асрлар адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Нодира, Хувайдо, Корий, Фуркат, Хамза каби шоирлар унинг газалларига тахмис ва назиралар боғлашган.

Машраб колдирган адабий мерос тўла аниқланиб, ўрганилган эмас. Баъзи тадқиқотчилар жуда кўп шеърининг хикоят ва газалларни ўзида жамловчи «Мабдаи нур» номли йирик асарни шоирга нисбат берадилар.

Машраб хаёти ва ижоди хақида бир неча бадиий асарлар (роман, кисса, достонлар ва сахна асарлари) яратилган, шоирнинг асарларидан намуналар катор хорижий тилларга

таржима килинган. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида Машраб номида истирохат боғлари ва кинотеатрлар, мактаб ва кутубхоналар, кўчалар ва жамоа хўжаликлари бор.

*Абдурашид Абдугафуров*

## **ЎРТАР**

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жахон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баёт этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,  
Бўлуб бесабуру бетокат, юрак-бағри чунон ўртар.

Нечук токат килай, дўстлар, бу дард ила бўлуб хайрон,  
гамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб хар дам фирокинда,  
“Нигоро!” деб отинг айтсамки, шавкингдин забон ўртар.

Каю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгаларни нихон ўртар.

На каттиг кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмок,  
Менинг охим ўтига бул замину осмон ўртар.

Юракда дарду гам кат-катки, менда колмади токат,  
Агар бу заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб холимни сўрмассан,  
Унум чикса юракдин, бу тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,  
Агар махшарда ох урсам, бихишти жовидон ўртар.

## **ХОХИ ИНОН ХОХИ ИНОНМА**

Сенсан севарим, хохи инон, хохи инонма,  
Кондур жигарим, хохи инон, хохи инонма.

гам шоми фирокинда кабоб этти фалакни  
Охи сахарим, хохи инон, хохи инонма.

Ногах сари зулфунг сори бўлдум санга мойил,  
Эй тожи сарим, хохи инон, хохи инонма.

Лаълинг гамидин кўнглум эрур гунча киби кон,

Гулбарги тарим, хохи инон, хохи инонма.

Захри гами хажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лабшакарим, хохи инон, хохи инонма.

Машраб, бўлубон кўйинга чун барки тажалли,  
Колмай асарим, хохи инон, хохи инонма.

## **МАШРАБМАН**

Санамнинг ишкида тинмай юруб, оввора Машрабман,  
Кўзи ёшлиг, кади хамлиг, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайин менда,  
Сени деб икки оламдин кечиб, безора Машрабман.

Ўлиб кетсам, лахад ичра сўнгакдин кетмагай дардинг,  
Жахонда топмадим чораки, мен – бечора Машрабман.

Анодин кай куни бўлдум, сенинг ишкингда ох урдум,  
Мухаббат даштида юрган бўлуб оввора Машрабман.

Мухаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўк,  
Кўзумдин кон ёшим тинмай окар, хунбора Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,  
“Тилим кессанг, тўёрим йўк, - деган, - дийдора” Машрабман.

Халойиклар мени кувлар, ёмон деб хар шаҳар борсам,  
Ажаб мардуд, ажаб маҳрум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халк аро ихфолигимни ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориғ бўлуб сайёра Машрабман.

## **МЕН НОЛА КИЛАЙ ШОМУ САХАР...**

Мен нола килай шому сахар дод, эшигингда,  
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаву райхону суман, тока кизил гул,  
Хам сарв букулди, кади шамшод эшигингда.

Хўбони жахон бўлса таки Юсуфи Канъон,

Султону амир бандаё, озод эшигингда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,  
Жоним куши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати хуснунгни топибдур,  
Гирёну фиғон, нолаву фарёд эшигингда.

Савдойи мухаббатга тушубман сени излаб,  
Ўлтурди гаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.

Ашким тўқубон хажру гамингда кеча-кундуз,  
Вайрона ватан – манзул обод эшигингда.

Ул хусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда.

### **МАШРАБИ МЎЪТАБАР ЎЗУМ**

Гулшани боги дахр аро булбули нагмагар ўзум,  
Бир бути бебадал учун ошики дарбадар ўзум.

Кўюнга дам-бадам бориб, навхаву зорлар килиб,  
Шому сахар фиғон этиб, хофизии хуш асар ўзум.

Ё шахи меҳрибонмусан, ё махи осмонмусан,  
Ер била кўкни куйдуруб кавкабаю камар ўзум.

Жоми майи луоб ичиб, мажнуни бенаво бўлуб,  
Нозу карашмалар килиб, лайлийи ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,  
Болу паримни куйдуруб, бедили навхагар ўзум.

Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз мудом,  
Сахарда бедор ўл дедингки, дояйи сахар ўзум.

Хисрави комрон бўлуб, Рустами достон бўлуб,  
Бир зўр пахлавон бўлуб, Хамзайи рахнагар ўзум.

Олими нуктадон манам, пири хидояхон манам,  
Шухрати шеър бобида Машраби мўтабар ўзум.

### **ЭШИТ АРЗИМНИ, ЭЙ ДИЛБАР**

Азалдан то абад кўнглум кутулмас ишк балосидин,

Юроким рахналар бўлди, бу ишкнинг можаросидин.

Хаёлимда сенинг васлинг, тополмасман, мени хайрон,  
Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-багрим кабоб ўлди,  
Ракиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.

Санам, сенсиз бу дунёда тириклик килмогим мушкул,  
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликнинг бакосидин.

Санам, ишкнинг ўти охир мени бехонумон этти,  
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Хароб ўлди менинг кўнглум, кишим йўқтурки, роз айтсам,  
Сўнгоklar рахналар бўлди дилимнинг охи босидин.

Сени ишкнинг била йиглаб, агар махшарда ох урсам,  
Куярлар мўмину кофир бу Машрабнинг навосидин.

### **ТАНБУР**

Сетор деманг, холи дилим сўргучи танбур,  
Кўнглум гирехин, гамларини сургучи танбур.

Бир неча ракиблар сўзидин гамзада бўлсам,  
Хамдард бўлубон огушима киргучи танбур.

Кўтохназар эл буни хеч кадрили билмас,  
Даргохи азалдин хабаре бергучи танбур.

Гар ёр жамолини кўруб пардага солсам,  
Нагмаси они сийнахарош этгучи танбур.

Хам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Хайрат ўтидин махзи санам килгучи танбур.

Ошик юрагидин чикиб, ўттек келибон ул,  
Бир учкунига жумлани куйдургучи танбур.

Машрабни тамом аклин олиб ул бути хунрез,  
Жонимни ёкиб сийнахарош этгучи танбур.

### **ОШИК БЎЛИБСАН, БЎЛМАГИЛ ГОФИЛ**

Малаксан ё башар, ё хуру гилмонсан, билиб бўлмас,

Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Ажаб берах дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,  
Чароги хусни рўйингдин кўнгулни хам узуб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўруб хайрон бўлуб колдим,  
Фалакка кул узотиб, шамси анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли кизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулнинг ишкидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошик бўлибсан, бўлмагил гофил,  
Бу гафлат уйкусидин, эй ёронлар, уйгониб бўлмас.

### **КЕЛДИ**

Наманган шахридин, дўстлар, менинг ёронларим келди,  
Отам бирла онамни билгучи мехмонларим келди.

Шижоат бобида хар кайсиси бир Рустаму Сухроб,  
Адолат тахтига минган бу кун султонларим келди.

Иноятли, диёнатли, яна хам муршиди комил,  
Хама ориф, хама содик, хама ирфонларим келди.

Аларминг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,  
Чарогимни мунаввар килгучи хоконларим келди.

### **ТУШТИ САВДОЙИ МУХАББАТ БОШИМА**

Тушти савдойи мухаббат бошима,  
Ор этар мардум келурга кошима.

Вах, мухаббат кўйида кон йигладим,  
Ети иклим гарк бўлди ёшима.

Сажда айлар зохид ул мехробига,  
Мен килурман сажда эгма кошима.

Кил хазар, албатта, жонон, кахрдин,  
Узру зорим сенга – багри тошима.

Мухтасиб тўктурди сокий бодасин,  
Етмади акли анинг сирдошима.

Кунда юз минг жабр килсанг, ўргулай,

Кўй караб гам тошина бардошима.

Машраби девонаман хайрон килиб,  
Не сабабдин келмадинг бир кошима.

### **СИГМАМДУР**

Ажаб мажнун эрурман, дашт ила сахрога сигмамдур,  
Дилим дарёйи нурдур, мавж уруб дунёга сигмамдур.

Шариат хам, тарикат хам, хакикат мендадур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки, арши аълога сигмамдур.

Халилосо бу йўлда оташи Намруд – меърожим,  
Хамон дурри хакикатманки, хар дунёга сигмамдур.

Ризо мулкидаман, халкумни туттум тигИ Акбарга,  
Бу йўлда сийнаи поки Забунуллога сигмамдур.

Агарчанде зиёрат килмадим мен Каъбайи зохир,  
Тарикат хожисидурманки, Байтуллога сигмамдур.

Гахи бўлдум факиру, гохи шоху, гах гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки махшаргохга сигмамдур.

Макоми хайрат ичра гохи худман, гохи бехудман,  
Жунун бозорида мастманки, истигнога сигмамдур.

Гах ўрус, гохи черкас, гохи мўмин, гохи тарсоман,  
Не кавнайни миёни лоу иллоллога сигмамдур.

Мудом мискин эрурман чун гуломинг – Машрабингдурман,  
Мени бечора бу дунё билан укбога сигмамдур.

### **ЎТТУМ**

Ишк водисидин бир кеча мен “хай-ха”лаб ўттум,  
Монанди найистон гулига ўт калаб ўттум.

Офокни бир лахзада кездим, на ажабдур,  
Мино тогидин аккасифат хаккалаб ўттум.

Оттим фаши-досторини девоналиг айлаб,  
Парвонасифат жоними ўтка калаб ўттум.

Билдимки, вафоси йўк экан ушбу жахонни,



Мардона бўлуб, балки, этак силталаб ўттум.

Дунё ясаниб, жилва килиб олди ма келди,  
“Боргил нари!” деб (кетига) бир шатталаб ўттум.

Билдимки они, душмани маккорайи айёр,  
“Ло” тирноги бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дедики: “Дунё майи аччиг”,  
Аччиглигини билмак учун бир ялаб ўттум.

Нафс кофири бирла туну кун килдим урушни,  
Танхо киличи бирла уруб, киймалаб ўттум.

Хомуш пичогин хар дам онинг бўгзига кўйдум,  
Чўг найзаси бирла кўзини найзалаб ўттум.

Девонайи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,  
Ошик элининг кўнглига бир ўт калаб ўттум.

## **ЧИДАЁЛМАС**

Ишк мазхабига таквию тоат чидаёлмас,  
Тасбеҳу сано, зухду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрса ўшал дилбари раънони баякбор,  
Бетокат ўлуб, айши фарогат чидаёлмас.

Фарёду фигонлар киладурман кеча-кундуз,  
Хайратда қолиб, кад ила комат чидаёлмас.

Адхамсифат ул кирса киши факр йўлига,  
Осойиш ила хайри саховат чидаёлмас.

Арбоби мухаббатга етиб бўйи санамдин,  
Акли кетибон сабру каноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал мохликони,  
Зухду вараъу кашфи каромат чидаёлмас.

Девона килар ишки санам васли чу Мажнун,  
Номусу хаё, айбу кабохат чидаёлмас.

Ким жоми мухаббат майидин журъае ичса,  
Шохона хашам, иззату хурмат чидаёлмас.

Бу ишк элининг хар дам этар валваласига,  
Бешубха, билинг, дасти иродат чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила ракси самў кил,  
Ишк мазхабида оби тахорат чидаёлмас.

### **ДАРДИ СИРИМНИ КАВЛАМА**

Эй сабо, гамбодадурмен, бистаримни кавлама,  
Чун шафаколудаман, хокистаримни кавлама.

Хар замоне Лайлидин манга китобатлар келур,  
Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

Хонавайронлар билур афтодаларнинг холини,  
Эйки, махрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.

То кишига дард тегмай, бўлмади багри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса, дарди сиримни кавлама.

Хажр тошидин зарру офат бошига етган ўзум,  
Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.

Ети дўзах ўртанур афтодаларнинг охидин,  
Оташи хажрида куйган мижмаримни кавлама.

Ломаконнинг шахрини бу ху била сайр айладим,  
Жабрайил, боргил нари, болу паримни кавлама.

Бахри рахматга кириб, килдим вужудимни адам,  
Маърифатдин беҳабарсан, дафтаримни кавлама.

Дурри дарёи маоний бўлди чун Машраб, вале  
Дийдабино бўлмасанг, кўз гавхаримни кавлама.

### **ТО КИЙДИ КИЗИЛ...**

То кийди кизил ўзини зебо килаин деб,  
Ўт ёкти жахон мулкида гавго килаин деб.

Мастона хиром эттию кўргузди кадини,  
Мендек неча девонани шайдо килаин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам хама кўз бўлди тамошо килаин деб.

Зулфини тараб, кош учуруб жилвалар этти,  
Ошуби бало, фитнани барпо килайин деб.

То айладим олдига бориб арзи ниёзим,  
Чин солди жабинига таманно килайин деб.

Мастона саманд секрата келди шахи хунрез,  
Шамшири жафони яна бурро килайин деб.

Кўп йилки, бу кул хизматини килмади баржо,  
Келдики газаб бирла чу сазо килайин деб.

Бошимни кесиб олгилу хушхол бўлуб кет,  
Конимни тўкуб, лолайи сахро килайин деб.

Ханжар кўлида Машрабин ўлдургади келди,  
гавгойи киёматни хувайдо килайин деб.

### **ХЕЧ КИМА МАЪЛУМ ЭМАС**

Хеч кима маълум эмас холи паришоним менинг,  
Осмонни тийра килди оху афгоним менинг.

Мен нечун шод этмайин бул хаста кўнлумни бугун,  
Келди холимни сўраб ул шўх жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу эмди шахид эткил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида бу коним менинг.

Чун Сурайё бормусан, афлокдин боломусан,  
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.

Нозу истигно била кетгил, мени холимни сўр,  
Термулиб доим йўлунгда чашми гирёним менинг.

Тобакай жабру ситам бирла юрурсан, эй рафик,  
Чикти, Машраб, ушбу гамдин бу азиз жоним менинг.

### **НОГОХ КЎРУНУБ КЎЗЛАРИ ШАХЛО**

Ногох кўрунуб кўзлари шахло бока колди,  
Парда кўтариб кошени ул дам кока колди.

Ошик эканимни билиб ул дилбари раъно,  
Аклимни олиб, жонима ўтлар ёка колди.

Рухум эритиб ёшени, вах-вах, юзи оташ,  
Ишк чакмогини жонима, найлай, чака колди.

Тарсобачани кўрдиму дин кетти кўлумдин,  
Кил сажда дебон бўйнума зуннор така колди.

Мен онинг учун кечаю кундуз югурурмен,  
Ёрим келибон биргина холим сўра колди.

Айди: “Не тиларсан?” Дедим: “ШамъИ жамолинг!”  
Кўрсатти юзин, максуд хосил эта колди.

Машраб бу жахонда юрубон топмади бир мард,  
Юз шукрки, онинг била улфат бўла колди.

### **ОШИК УЛДУР ТО ДИЛИГА САКЛАСА АСРОРИНИ**

Ошик улдур то дилига сакласа асрорини,  
Бархам урса йўлига оламда йъўку борни.

То ўзунгга дард тегмай, айланиб келмас даво,  
Бас, бу маънодин хакимлар кўп сўрар беморни.

Гарчи осийман, анинг даргохидин навмид эмам,  
Бир гул учун сув берурлар сад хазорон хорни.

Охири манзилга етмасдур кудуратлик кўнгул,  
Дилга жо бермок на хожат душмани гаддорни.

То дилингга маърифатдин нури имон бўлмаса,  
Сўфилар, бир хуга алмашланг ани – дасторни.

Хотири покингни машгул килма харгиз дунёга,  
Дил губоролуда бўлди, ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг, вале  
Машрабо, ҳеч канда килма дилдин истигфорни.

### **ХУДОДИН ЎЗГАСИ БАРЧА ГАЛАТДУР**

Бу тани хокинию рухи равонни на килай?!  
Бўлмаса кошимда жонона, бу жонни на килай?!

Ёрсиз хам бодасиз Маккага бормок не керак?  
Иброхимдин колган ул эски дўконни на килай?!

Ураинму бошима саккиз бихишти дўзахин,  
Бўлмаса васли менга, икки жахонни на килай?!

Аршнинг кунгурасин устига кўйдум оёгим,  
Ломакондин жой олибман, бу маконни на килай?!

Заррае нури куёшдек бу жахон ичра тамом  
Ошкоро бўлмаса, сирри нихонни на килай?!

Бир худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса кўлумда, ул тиконни на килай?!

### **КАЛАНДАР БЎЛ, КАЛАНДАР БЎЛ**

Муродинга етай десанг, каландар бўл, каландар бўл,  
Ситам ахлин ютай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Огиздин дур сочай десанг, шароби ишк ичай десанг,  
Ёмонлардин кочай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Фасод ахлин кувай десанг, (кетига) бир урай десанг,  
Бу даргохдин сурай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Риёзатсиз бўлай десанг, танним озод юрай десанг,  
Жахонни сайр этай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Разолат кўйдурай десанг, залолат ўлдурай десанг,  
Хамасин супурай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Бу такводин кечай десанг, хонакохдин кочай десанг,  
Хакикатни очай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Гухаррезлик килай десанг, хамани кулдурай десанг,  
Чу Машрабдек бўлай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

### **МЕХРИБОН ОНАМ**

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,  
Менинг учун адо бўлган юрагу багри кон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,  
Эшиткил арзи холимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,  
Муроди ду жахонимсан, бихишти жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жахон ичра хароб этти,  
Кади сарву санавбар, кошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,  
Шабистони жахонда кумридек шаккарфишон онам.

Бу ишк ўти хароб этти, юрак-багрим кабоб этти,  
Мени хоки туроб этти юзи мохи тобон онам.

Сени кўп интизор эттим фирок ўтига, эй Каъбам,  
Тавофи Каъбайи максуда келдим, дилкашон онам.

Илохо, авф килгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли онайи зорим, гарибу нотавон онам.

### **ЎЗГИНАМ**

Ишк ўтига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб бирёна бўлган ўзгинам.

Ошики дийдорман, эй ёр, билмассан магар,  
Мансури Халлождек дорга осилган ўзгинам.

Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан бормукин,  
Ишк йўлида минг ўлуб, минг бор тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни килиб махшарда айларман фиғон,  
Ул куни дийдор деб махшарни бузган ўзгинам.

Ул сирот ал-мустақим олдида барча йиглашур,  
Ишкни рахбар килибон андин ўткан ўзгинам.

### **ЗАМОНГА СИГМАДИМ**

Онкадар нурга тўлибман осмонга сигмадим,  
Токи аршу курсию лавху жинонга сигмадим.

Кимга соям тушса, бир нури якин бўлди у хам,  
Дафтари рухи кудсдурман, забонга сигмадим.

Жаннату кавсар манам, хам дўзаху сакар манам,  
Бир ўзумдурман бу дам, хафт осмонга сигмадим.

Сояйи одамга келдим, нури маъни изладим,  
Жаннатул фирдавсдек олий маконга сигмадим.

Бор эдим Нух вақтида, гарк этмади тўфони хам,  
Хамрахи Мусо бўлуб Тури Синонга сигмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Боиси бир нуқтадин Машраб замонга сигмадим.

### **БОШИМНИ ДОРГА ТУТА КОЛДИМ**

Дунёга келиб, лойига билмай бота колдим,  
Дармон йўкидин неча огиз сўз кота колдим.

Кўрдумки ани, душмани руху тан экандур,  
“Ло” ўки била икки кўзига ота колдим.

Майхонага кирдим, била колдим куяримни,  
Масжидга кириб зоҳиди яхдек кота колдим.

Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг,  
Минг таквини бир косайи майга сота колдим.

То телбалигим шухрати оламини тутубдур,  
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта колдим.

Ваҳдат майини пири мугон илкидин ичтим,  
Мансур каби бошими дорга тутта колдим.

Айб айламангиз Машраби беҳудни, ёронлар,  
Найлайки, бу гурбат кўчасидин ўта колдим.

### **ЯНА ГУРБАТЗАДА, КЕТТИМ**

Дунё сорига бир келибон, гамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.

Бир мушфики хамроз жаҳон ичра тополмай,  
Хасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Суртмай бу каро юзни бориб равзаларига,  
Армонда юруб лек бузуг кулбада кеттим.

Хар жон келару кетгусидур, билсам они хам,  
Кетмасча юрубон яна гурбатзада, кеттим.

Хорис бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ,  
Урён келибон мунда, яна арбада кеттим.

гофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,  
Дунё ила динни сотибон гамзада кеттим.

То ёрни хаёл айлади Машраб, кўзни очти,  
Юз дарду алам бирлаки, мехнатзада кеттим.

### **БИР НУКТАДА МИНГ МАЪНО**

То олами зохирга келиб ман гузар эттим  
Тарк айладиму жумлани, катъи назар эттим.

Ахволи дилим айтгали бир махраме топмай,  
Зулмингни кариндошу гамингни падар эттим.

Бир кушки, чўлок, сен сори парвоз этайин деб,  
Хажр ўқларини жонга сукуб болу пар эттим.

Душманга чу харб этмак учун чора тополмай,  
Дўстум кўлини туттиму тигу табар эттим.

гам шомида калбимга гузор этти хаёлинг,  
Кўз ёш, юрак кони билан мохазат эттим.

Савдойи сари зулфунг учун неча махалдур,  
Жон кишварини буздиму зеру забар эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шох ила дарвеш,  
Бас, жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим.

Кўтахназар эл билмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим.

### **ШАРХ АЙЛАСАМ ИШК ДАФТАРИНИ**

Шарх айласам ишк дафтарини, жон чидаёлмас,  
Хам жону жахон, одаму хайвон чидаёлмас.

Авроди мухаббат ўкубон масжида кирсам,  
Масжид куяру токи фарозон чидаёлмас.

Майхона кириб, васли санамдин хабар олса,  
Зохид куяру окилу нодон чидаёлмас.

Махшар куни гар барк урубон чикса нигорим,  
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.



Ишк дафтаридин гар ўкусам сура баякбор,  
Бешубха, билинг, ояти куръон чидаёлмас.

Гар наръа уруб тавсани химмат мина колсам,  
Оламга тушуб шўриши афгон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвие ишки санам этсанг,  
Биллоҳки, анга жисминг ила жон чидаёлмас.

### **МЕНИ ЙЎКЛАР КИШИМ БОРМУ?**

Намангондин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?  
гариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Кани кавму кариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Кўзумдин окизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?

Мухаббат шарбатин ичтим, қазондек қайнабон тоштим,  
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузу ишқдин гавго,  
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарга токатим йўқтур, юрарга холатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти чўқдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни киши холини билмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

### **ХУДО БЕРСУН ПАНОХ**

Нафси сарқаш муддаосидин худо берсун паноҳ,  
Бул замона муттакосидин худо берсун паноҳ.

Хиркайи бечора киймоқликму роҳи бандалик,  
Сўфини далки риёсидин худо берсун паноҳ.

Жомайи малла кийиб, қилгон иши хийлаву макр,  
Шайх ноқис хонақосидин худо берсун паноҳ.

Ўзлари қомилсифат, ҳар луқмаси ҳаққи сағир,  
Юртни ул соҳиб дуосидин худо берсун паноҳ.

Лоф урар “Абдоли вақт-ман!” деб, сўзида маъни йўк,  
Бул замона раҳнамосидин худо берсун паноҳ.

Мард лашкар йўсинида кўлига тасбех олиб,  
Шайхни рангин асосидин худо берсун паноҳ.

Муттакийлик даъви айлаб, ўзларини пир тутуб,  
Охири вақт порсосидин худо берсун паноҳ.

Бул каландар жандасининг торида зуннори йўк,  
Бошига кийган кулосидин худо берсун паноҳ.

Машраби шўридани килган дуосин кил қабул.  
Ул сахархезни дуосидин худо берсун паноҳ.

### **ЯХШИ ХАЛКЛАРНИ БИРОДАР ТУТ**

Тарозуйи амални кўлга ол, сўнгра баробар тут,  
Хатарлик йўлдасан, то жустижў кил, яхши раҳбар тут.

Имонинг шамъини равшангаридур ҳамдами қобил,  
Кўлингдин келса, доим яхши халкларни биродар тут.

Макоми қурбат ўтига агар кирсанг – ҳузур топсанг,  
Ўзунг захроба ютгил, халкни қомига шаккар тут.

Багир қони, кўзунг ёши, қадим хам бирла ох тортгил,  
Шафоат вақти бўлди, анда домони паямбар тут.

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинҳор хурсанде,  
Ўзунгни ҳар ҳасу хошоқдин, эй банда, қамтар тут.

Бало кўрган қишилар мажлисини орзу қилгил  
Қи, ҳар шум лодани кўрсанг, ўзунгни мунда бехтар тут.

Тараддуд айлагил, занги дилинг шоядқи соф ўлгай,  
Хидоят кўчасининг ринди бўл, домаин махшар тут.

Улугман деб, такаббур пеша қилма муштипарларга,  
Сарафрозиди топайдесанг, давомат қийдани тат тут.

Хавас бозорини дур айлагил зинҳор бошингдин,  
Кўлунгни икки дунёдин узуб, қилни каландар тут.

Баҳойимдек емак-ичмакни саргардони кўп бўлма,  
Қафан бичгил ўзунгга, қилда ўлмоғни муқаррар тут.

Адам сахросидин дунёга келдинг банда бўлсам деб,  
Камар боглаб белингга, зикри тасбеҳи эранлар тут.

Бу зиндонхонадин ўттунг, кўрунди жаннатул аъло,  
Баланд эт химматингни мунда келдинг, мисли Хайдар тут.

Ўзини билмаган бедардларга очмагил дафтар,  
Халилдек ўтни гулзор айлагил, хўйи самандар тут.

Бу ерда ёри берса лутфи ҳақдин гарчи икболинг,  
Адолат мулкининг сарриштасини мисли Умар тут.

Бу фоний дунёдин, Машраб, етишсанг боки укбога,  
Сиротал мустақимдин ўттинг, сўнгра роҳи дигар тут.

### **МУРАББАЪ**

(Ёрга етар кун борму, ёронлар)

Хамду санолар айтай худога,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?  
Етгайму додим нозук адога,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шум толеимдан кўрдум жафони,  
Золим ракиблар кўрди вафони,  
Холим сўр эмди, бергил давони  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Булбулдайинким фарёд этарман,  
Ишк дафтарини бунёд этарман,  
Кўнлумни бир дам мен шод этарман,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Қачон висолинг бўлгай муяссар,  
Ишкингда кездим ҳам баҳру ҳам бар,  
Дарду аламга тўлди кўнгуллар,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри килди мавжини бунёд,  
Ишкингда килдим минг оху фарёд,  
Ўтти нигорим чун сарви озод,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди, тутти ёкамдин,  
Бағрим тилинди пайкони гамдин,  
Фарёд этарман ушбу аламдин,

Ёрга етар кун борму, ёронлар?

ШамъИ фирокинг кўксимда ёнди,  
Кўз ёшим окиб багримга томди,  
гафлатда колган Машраб уёнди  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

## ДАСТИНГДАН

Не гурбатларни чектим чарх бебунёд дастингдин,  
Мудом мотамда колдим, бўлмадим дилшод дастингдин,  
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,  
Кафасдин бўлмадимки кумридек озод дастингдин,  
Хама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен хар кайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Дилимнинг куввати, рухи равонимдин айирдилар,  
Кўзимнинг оки янглиг меҳрибонимдин айирдилар,  
Азизим, хамдамим, оромижонимдин айирдилар,  
Жахон гулзорида ул гулистонимдин айирдилар,  
Хама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен хар кайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Чаманда булбули шўридадурман, ошёним йўк,  
Мисоли чугдек вайроналарда хам маконим йўк,  
Вафолиг ёр деб чикти, жасадда балки жоним йўк,  
Азизимдин жудо бўлдум, бошимда соябоним йўк,  
Хама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен хар кайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Менингдек гамга колган, дилпаришон ўлмасун ҳеч ким,  
Кўзи чун термулуб йўлларда вайрон ўлмасун ҳеч ким,  
Бахори гулшани умри зимистон ўлмасун ҳеч ким,  
Бу дунё дийдасига торикистон ўлмасин ҳеч ким,  
Хама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен хар кайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Умидим бор, эткургаймусан хуршиди матлабни,  
Саодат буржидин ул шаъми икболимга кавкабни,  
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда каро шабни,  
Илохо, сен этур химмат йўлига хаста Машрабни,  
Хама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен хар кайга борсам, дод этарман, дод дастингдин

## ШОДМОНЛИК ИЗЛАМА

Шодмонлик излама, охир бошинга гам келур,  
Одамининг бошига андишайи мотам келур.

Осмонга этса бошинг мисли Мусо хомуш ўл,  
Сар дарахт нурмева болган сонгра боши хам келур.

Одамийнинг асли бирдур, бир-биридин фарки бор,  
Неча кари ўтган согхун дунёга бир одам келур.

Вахми махшардин гапурманг норасони олдида,  
Гоши каргха хак сози албатта нофорам келур.

Йигхламок осон эмасдур, эй жигарбандим, эшит,  
Мулки дил садпора болгхан сонг козингдан нам келур.

Олими илмига магхрур, жохили исёнга гхарк,  
Кас не билсун, рози махшар кимни тоши кам келур.

Ёшлигингда ёлга киргхил, токи топкайсан камол,  
Гар жарохат кохна болгхан сонгра бемалхам келур.

Машрабо, сийнамдаги дардимни айтсам, арш куяр,  
Ёл хатадур, коркаман, мажлисга номахрам келур.

### **КЎРСАТ ЖАМОЛИНГ**

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишкинда куйган парвоналарга.

Мендин дуодур,сендин - ижобат,  
Жоним тасаддук жононаларга.

Эй кўнгли каттиг,рахм айламайсан,  
Килгил назар сен бечораларга.

Машраб сени деб кечти жахондин,  
Бошини кўюб остоналарга.

### **ХАР КИШИНИ ДАРДИ БЎЛСА**

Хар кишини дарди бўлса, йигласун ёр олдида,  
Колмасун армон юракда, этсун изхор олдида.

Андалиби бенаводек нола-ю афгон била  
Доимо йиглаб турарман айна гулзор олдида.

Мансури Халлождек ичиб шароби антахур,  
Чарх уруб,йиглаб турармен ушбу дам дор олдида.

Хар киши бир журъаэ нўш айласа бу бодадин,  
Ул киёматда килур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб,килмагил сиррингни сохидга аён,  
Айтиб-айтиб йиглагайсан ошики зор олдида.

### **ТУШТИ САВДОИ МУХАББАТ БОШИМА**

Тушти савдои мухаббат бошима,  
Ор этар мардум келурга кошима.

Ул мухаббат кўйида кон йигладим,  
Этти иклим гарк бўлди ёшима.

Сажда айлар сохид ул мехроб аро,  
Мен килурман сажда эгма кошима.

Мухтасиб тўктурди сокий бодасин,  
Этмади акли ани сирдошима.

Кунда юз жабр этганингдин ўргулай,  
Кўй караб гам тошини бардошима.

Машраби девонани хайрон этиб,  
Не сабабдин келмадинг бир кошима?

### **ЮЗИ МОХИ ТОБОН КИЗ**

Кокулунг анбар дурур, жон ичида жонон киз,  
Кўзларинг ахтар дурур, юзи мохи тобон киз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг кизил гулдек,  
Барча сенгаким кулдек, хизматингга курбон, киз.

Тар оразинг гул, сочинг сунбулки,тишларинг дур,  
Сарв кадлиг, кош кўрунг офтоби даврон киз.

Бир кўриб сени, золим, колмади менинг холим,  
Танг бўлубдур ахволим, билмадингму, нодон киз?

Ой юзингни кўрганда, лабларингни сўрганда,  
Машрабинг бўлур банда, килсанг ани мехмон киз.

## КЎРГОЛИ КЕЛДИМ

Ишкинг ўтига куйголи келдим,  
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.

Савдои зулфинг тушди бошимга,  
Сендинн саволр сўрголи келдим.

Бахрингга кирдим гаввос бўлай деб,  
Бир дурри максуд олголи келдим.

Мани сўрасанг, эй гулўзорим,  
Махви жамолинг бўлголи келдим.

Кофила кетти, манзилга этти,  
Мен хам борай деб кетголи келдим.

Сокий, кадахни килгил мухайё,  
Вахдат майидин ичголи келдим.

Рахмат эшигин Машрабга очгил,  
Ишкинг кўйида ўлголи келдим.

## ДЕВОНА БЎЛДИМ

Кўрдум юзунгни - девона бўлдум,  
Аккли хушимдан бегона бўлдум.

Тортиб жафони ўлсам кўйингда,  
Кайтмасман харгиз - мардона бўлдум.

Бўлиб жахонда расвои олам,  
Яхши-ямонга афсона бўлдум.

Кавсар шароби ёдимга келмас,  
Лаъли лабингдин мастина бўлдум.

Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,  
Кечдим баридин, риндона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,  
Чарх уруб ондин парвона бўлдум.

Ишкинг майини сунди бу жисмим,  
Хам соки-ю хам паймона бўлдум.

Бир катра эрдим, чўмдум денгизга,  
Кирдим садафга - дурдона бўлдим.

Куйдирмаса ўт, бўлмас ягоч чўг,  
Ишк ўти бирлан хамхона бўлдум.

Бўлдум фано мен туфрог ичинда,  
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,  
Жон жонга кирди, жонона бўлдум.

Тегди кўзингдин хар дамда минг тийр,  
Аввал эдим дашт, гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,  
Билмай ўзумни хайрона бўлдум.

Куймас, дедилар, маъмураи ганж,  
Обод эдим ман, вайрона бўлдум.

Машрабга май сун майхона ичра,  
Кечтим баридин - риндона бўлдум.

### **НОГОХ КЎРУБОН ЖАМОЛИНГ**

Ногох кўрубон махви жамолинг бўла колдим,  
Ойдек юзингга бокдиму хайрон бўла колдим.

Ўт туташиб куйди юрагим бирла жоним,  
Парвона бўлуб ўтга юзимни ура колдим.

Юз гамза била чикди санам майкасинин,  
Зуннор узуб, дин била имон сота колди.

Кўрдумки, ажиб ишвагару дилбари танноз,  
Девона бўлуб ишкида ўтдек ёна колдим.

Дийдори жамолини кўруб ишк йўлида,  
Гулгун ёнубон мавхи томошо бўла колдим.

Хожат эмас ул Каъбаи жононага бормок,  
Мен гавхари максуд бўлойин деб ёна колдим.

Машраб бошига тушди ўшал кун гами дилдор,  
Шайдойи бўлуб жумла хавасдин кола колдим.



